

## ҚЎРИҚЛАШ НАРЯДЛАРИНИ ХИЗМАТ ЎТАШДАГИ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

*Рашидов Дилмурод Мамирович*

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети  
Магистратура тингловчиси, майор*

**Аннотация:** Ушбу Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш нарядларнинг хизмат ўташ жараёнидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда наряд тушунчаси ва унинг хизмат жараёни ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** наряд, кўриқлаш, нарядларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, наряд фаолияти, объект.

**Аннотация:** В данной статье говорится о правах и обязанностях нарядов Национальной гвардии Республики Узбекистан в процессе службы, а также о понятии наряд и процессе ее службы.

**Ключевые слова:** наряд, охрана, права и обязанности нарядов, деятельность наряда, объект.

**Annotation:** This article talks about the rights and responsibilities of the outfits of the National Guard of the Republic of Uzbekistan during the service, as well as the concept of outfit and the process of its service.

**Keywords:** outfit, security, rights and responsibilities of squads, squad activities, object.

Сўнгги йилларда республикада давлат объектлари, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни самарали кўриқлашни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини ишончли ҳимоя қилиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Илғор хорижий тажриба асосида кўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимлари жорий қилиниши натижасида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизмати томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг кўриқлашга олинган объектлари сони сўнгги икки йилда 15 фоизга ошди.

Шу билан бирга, кўриқлаш фаолиятига замонавий кўриқлаш технологияларини кенг жорий этиш орқали кўриқлаш хизматининг қамровини янада кенгайтириш, ходимларнинг касбий маҳорати, билим ва кўникмаларини ошириш, шунингдек, соҳада бошқарув фаолияти самарадорлигини таъминлаш билан боғлиқ тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш

бўлинмаларининг яхлит тизимини шакллантириш, кўриқлаш хизматларини кўрсатиш соҳасида самарали бошқарувни амалга ошириш ҳамда бу борадаги фаолиятни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизмати Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси этиб қайта ташкил этилди. Шу билан бирга, Кўриқлаш бош бошқармасининг асосий вазифаларидан бири сифатида шартнома асосида давлат объектлари, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани, шунингдек, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини кўриқлаш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш фаолияти соҳасида Кўриқлаш бош бошқармасининг хизмат фаолияти кўрилаётган хавфсизлик чоралари ҳажми ва ишончилиги бўйича фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек, шахсий хавфсизлигига жиноий тажовузларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш бўйича умуммиллий чоратadbирлар тизимида етакчи ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 июндаги “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни кўриқлаш фаолиятини амалга оширишда катта аҳамият касб этди. Унга кўра, кўриқлаш фаолияти – кўриқланадиган объектларни ҳимоя қилиш, шунингдек юридик шахсларнинг кўриқланадиган объектларида назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимларини таъминлаш бўйича фаолият. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кўриқлаш тизимида асосий вазифани нарядлар бажаради. Хўш, наряд ўзи ким? **Наряд** – объект ёки унинг бир қисми кўриқланишини таъминлайдиган, моддий-товар бойликларни кузатиб бораётган, кўриқланаётган объектлардан тушган «ташвиш» хабарига тезкор таъсир кўрсатиш борасидаги тadbирларни амалга оширадиган кўриқлаш хизмати ходими. Кўриқлаш хизмати нарядларининг хизмати саккиз соатлик ёки ўн икки соатлик сменалар асосида ташкил этилади.

Объектнинг жойлашуви, унинг ва хизмат ўташнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, нарядларнинг хизмати суткалик ва вахта усулида ташкил этилиши мумкин. Объектнинг жойлашуви, унинг ва хизматни ўташнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмалари нарядларининг хизмати суткалик ва вахта усулида ташкил этилиши мумкин. Вахтанинг давомийлиги етти суткагача белгиланади ва бунда нарядларнинг хизматни ўташи тартиби Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровуллик хизмати тўғрисидаги низомга асосан ишлаб чиқилган ва Миллий гвардия кўмондони томонидан тасдиқланган йўриқномага мувофиқ ташкил этилади. Вахта усулида хизмат ташкил этилганда ишчи ва хизматчиларнинг дам

олиши, овқатланиши, ювиниши ва улар билан ўқув машғулотларини ўтказиш, уларнинг табель қуролларини сақлаш бўйича тегишли шарт-шароитлар яратилган бўлиши шарт.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш нарядларнинг хизмат ўташ жараёнидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 февралдаги ПҚ-4997-сон қарорининг 3-бобида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, Қўриқлаш бош бошқармасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагича:

➤ қўриқланаётган объектлар мансабдор шахслари, ишчи-хизматчилари ва объект ҳудудидаги бошқа шахслардан ички, рухсат бериш режимларига риоя қилишни ҳамда жамоат тартибини сақлашни талаб қилиш;

➤ қўриқланаётган объектлардаги мол-мулкни сақлаш шарт-шароитлари, қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари ҳолатини текшириш;

➤ қўриқланаётган объект маъмуриятига, мансабдор шахсига, шартнома шартларига мувофиқ объектни муҳандислик ва техник мустаҳкамлигини таъминлаш, сигнализация тизимлари ва видеокузатув билан жиҳозлаш бўйича тақдимнома киритиш;

➤ давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига тузилган шартномага мувофиқ бажарилиши мажбурий бўлган, қўриқлаш фаолиятини ташкил этиш, муҳандислик ва техник мустаҳкамлик, шунингдек, объектларнинг ички, рухсат бериш режимларидаги камчиликлар ва хатоларни бартараф этиш борасида тақдимномалар киритиш;

➤ қўриқланаётган объектдан мол-мулк, моддий бойликлар ва турли юкларни ноқонуний олиб чиқишга ёки олиб киришга уринаётган шахсларни ушлаш;

➤ қўриқланаётган объектларга ноқонуний кирганлар ёки ҳуқуқбузарлик қилганларнинг шахсини аниқлаш ва маъмурий баённома тузиш мақсадида ушлаш ва қўриқлаш хизмати хоналарига олиб келиш, ушлаб туриш, зарур ҳолларда эса — тегишли қарор қабул қилиш учун уларни ҳудудий ички ишлар органларига топшириш;

➤ қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ қўриқлаш пости ҳудудида фуқароларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини текшириш, агар уларда қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари, қуролнинг асосий қисмлари, портловчи, радиоактив ёки заҳарли моддалар, портлатиш қурилмалари, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари ёхуд муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган бошқа нарсалар, қўриқланаётган объект ҳудудига олиб кирилиши ва ундан олиб чиқиб кетилиши тақиқланган ашёлар, буюмлар, воситалар бор деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлса, фуқароларни шахсий қўриқдан ўтказиш, уларнинг ашёларини, қўл юкини, багажини қўриқдан ўтказиш ҳамда мазкур нарсалар,

воситаларни ва моддаларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, уларни олиб қўйиш, транспорт воситаларини кўздан кечириш ва ташиб ўтилаётган юкларнинг товар-транспорт ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш;

➤ содир этилаётган жиноятларни тўхтатиш, шунингдек, уларни содир этган шахсларни таъқиб этиш ва ушлаш, бир вақтнинг ўзида бир неча объектда “ташвиш” сигнализацияси ишлаб кетган ҳолларда ички ишлар органлари ва Миллий гвардия патруль гуруҳларини чақириш;

➤ ўз ваколати доирасида мансабдор шахслардан тушунтиришлар, маълумотлар ва ҳужжатлар олиш;

➤ фуқаролар ва мансабдор шахслардан хизмат вазифалари бажарилишига тўсқинлик қилувчи ҳуқуқбузарликлар ва хатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш, ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни қўллаш;

➤ қўриқланаётган объектлар назорат-ўтказиш жойлари ва ҳудудларида ноқонуний олиб чиқилаётган (олиб кирилаётган) мол-мулкни аниқлаш ва олиб қўйиш, шунингдек, ғайриқонуний ҳаракатларни аниқлаш учун фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига, текширилаётган мол-мулк ва атроф муҳитга зиён етказмайдиган замонавий техник воситалардан фойдаланиш;

➤ қўриқланадиган объектларга ғайриқонуний равишда кирган ёки киришга уринган шахсларни аниқлаш, бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда хизмат итларидан фойдаланиш;

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ қўриқланаётган объектларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қўмаклашиш;

➤ қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва белгиланган тартибга мувофиқ жисмоний куч ишлатиш, ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ва улардан фойдаланиш;

➤ ўз ваколати доирасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича баённомалар тузиш;

➤ юридик шахслардан ўз ваколати доирасида идоравий қўриқлаш фаолиятини ташкил қилиш юзасидан ёзма ва оғзаки маълумотларни сўраб олиш;

➤ жамоат хавфсизлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни қўриқлашни тўлақонли таъминлаш учун ҳудудларда патруликни ташкил этиш билан боғлиқ ҳолда техник воситаларнинг бутун комплексидан фойдаланиш;

➤ махсус ёруғлик сигналларига ва товушли сигналларга, бўёқли рангли графика схемасига эга махсус автотранспорт воситаларига эга бўлиш.

Юқорида келтирилган маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкинки, Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси куч ва тузилмалари давлатимизнинг иқтисодий барқарорлигининг асоси сифатида мамлакатда

тадбиркорлик муҳити яратилишини таъминлаш, шу жумладан мулкнинг барча турларини ишончли қўриқланишини таъминлаш вазифасини бажарадиган, шунингдек жамоат хавфсизлигини таъминловчи ҳамда ўз вазифасини бажаришда қонун доирасида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга органларидан биридир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 20.02.2021й. ПҚ-4997сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 декабрдаги 757-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари тўғрисидаги низом.

#### **ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР:**

1. <https://lex.uz>